

ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

М. А. Абдуганиев

ТДИУ «Молия ва бухгалтерия хисоби» Талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада иқтисодиётни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг зарурлиги, илмий-назарий ва услубий асослари, уларни такомиллаштириш масалалари баён қилинган.

Калит сўзлар: Иқтисодиёт, глобаллашув, интеграция, инновация, либераллаштириш, бошқарув, ахборот, иқтисодий таҳлил, синтез, усул, ҳисобот, омилли таҳлил, қарорлар.

Иқтисодиётни глобаллашуви, интеграцион жараёнлар, инновацион жадаллик ва кучли рақобат муҳитидаги талаблар ҳисоб-китобларга оид фанлар тизимини ҳам бизнес қоидаларига мос тарзда такомиллаштиришни талаб этмоқда. Негаки, манфаатлар устуни сифатида тан олинган бозор модели аввало, аниқ ҳисоб-китоблар алгоритмини, уларни баҳолашни ва чуқур таҳлилий ечимларни талаб этади.¹

Хусусан, иқтисодий таҳлил иқтисодий фанлар тизимида ўзининг илмий-назарий, услубий ва амалий аҳамияти билан ажралиб туради. Чунки, иқтисодий таҳлил билиш назариясининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади ва макроиқтисодиёрнинг асосий бўғини бўлган корхона ва ташкилотларда иқтисодий самарадорлик даражасини баҳолаш ҳамда уни ошириш йўлларини ахтариб топишга мўлжалланган фан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи. Иқтисодиётни самарали бошқариш ва унда иқтисодий таҳлилнинг зарурлиги, вазифалари ҳамда назарий ва услубий асослари хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, давлат арбоблари томонидан ўрганилган. Ўрганишлар таҳлилидан кўринадики, иқтисодий таҳлил якунларига кўра, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар бўйича ислоҳотлар қилиш, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини камайтириш бўйича назарий асослар илгари сурилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожатномасида таъкидланганидек, “Таркибий ислоҳотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир.”²

Хорижий мамлакатлардан Норвегиянинг реал иқтисодий амалиёти ўрганилганда, мамлакатда фаолият кўрсатаётган фирмалар таҳлилига мувофиқ қуйидаги холосага келинган: давлат фирмаларига кўра, хусусий фирмалар меҳнат унумдорлиги даражаси, барча мезонлар бўйича самаралироқ эканлиги ўз тасдигини топган.

Давлат корхоналарининг самарасизлиги муаммоси умумий дунё тренди ҳисобланади. Иқтисодий таҳлил ёрдамида замонавий бошқаришда таркибий ўзгаришлар қилиш ва хусусий корхоналарга устуворлик бериш масалалари алоҳида тадқиқ этилган ва илгари сурилган. Кўпгина иқтисодчилар, жумладан, Д.Стиглитс (Нобел мукофоти совриндори, 2001 йил),

¹ Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.-Т.: Молия-иқтисод, 2015.-316 б

² Ш.Мирзиёвнинг 2020 йил 29 декабрь.кунида Олий Мажлисга қилган Мурожатномаси. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 30 декабрь

А.Шлейфер, Р.Вишнилар ҳам давлат иштирокидаги корхоналар хусусий компанияларга нисбатан самарадорлиги анча паст эканлигини таъкидлашади.³ Хусусан, ушбу масала бошқарувга тегишли бўлиб, хорижий манбаларда ҳам алоҳида эътироф этилган.

Бошқарувни:⁴

- яқин ва узок даврийликни қамраб олган – режалаштириш;
- мулк эгалари ва мақсадли фойдаланувчиларни молиявий ва бошқа ахборотлар билан таъминловчи – бухгалтерия ҳисоби;
- ахборотларни чуқур қайта ишлаш, фаолиятга объектив баҳо бериш, иқтисодий ва молиявий имкониятларни аниқлаш орқали тезкор, жорий ва истиқболдаги бошқарув стратегиясини белгилаб берувчи – иқтисодий таҳлил;
- фаолиятни йўлга қўйиш ва мақсадли бошқаришнинг аниқ ечимлари ва натижавийлигини таъминловчи, инновацион ва ақлли иқтисодни таъминлашга имкон берувчи – илмий фаолият;
- фаолият самарадорлиги ва натижавийлигидан келиб чиққан ҳолда муносабатларни мувофиқлаштиришнинг муҳим мезони бўлган – меҳнатни муносиб рағбатлантириш;
- ва бошқа (ижтимоий, экологик, техникавий, ташкилий) жиҳатларни қамраб олган – мураккаб тизим деб қараш лозим.

Бугунги кунда иқтисодий таҳлил фан сифатида ривожланишининг янги бир босқичида турибди. Бунда таҳлилнинг тубдан янги назарияси, услубиёти, амалиёти халқаро стандартлар асосида бошқарув талаблари асосида шаклланиб бормоқда. Манбалар таҳлилидан кўринадики, таҳлилнинг бошқарувда оперативликни таъминлашга имкон берувчи, жорий ва истиқболдаги ривожланишни белгилаб берувчи, иқтисодий ва молиявий ахборотлар оқимининг шаклига (молиявий, бошқарув) мос тушувчи, коммуникация технологиялар, математик моделлар, статистик методларга асосланган шаклини йўлга қўйишга ҳаракатлар қилинмоқда.⁵

Тадқиқот методлари. Иқтисодиётда иқтисодий таҳлилнинг назарий ва услубий асослари ҳисоб-китоб, монографик кузатув, анъанавий статистик усуллар, иқтисодий-математик усуллар ва мантиқий тафаккур ёрдамида тадқиқ этилади.

Таҳлил ва натижалар. Инсоният ҳаётида глобаллашув жараёнлари ўзининг ижобий таъсирлари билан бир қаторда салбий таъсирларини ҳам намоён қилиши мумкинлиги айнан 2020 йилда бошланган пандемия шароитида аниқ ўз исботини топди. Аммо, инсоният жамияти мана шундай таҳликали вазиятларда ҳам самарали фаолият кўрсатиши учун илмий асосланган бошқарув тизимини яратиши долзарб масала ҳисобланаб, бунда иқтисодий таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Чунки, бошқарувда таҳлил – илмлар ва билимлар тармоғининг ҳам муҳим бўғини сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш, йўқотишларнинг олдини олиш ва заарсиз ишлаш, иқтисодий ва молиявий ҳолатни яхшилаш, таҳликаларга бардошликни оширишнинг ҳам муҳим дастаги сифатида қаралади. Масалан, шундай шароитда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун микроиқтисодиётда корхоналар

³ Янги оъзбекистон – янгича дунёкараш. Рисола / Муаллифлар жамоаси: – Тошкент, 2021 й. 48-б

⁴ K. R. Subramanyam Financial statement analysis, Eleventh edition. Published by McGraw-Hill Education, 2 Penn Plaza, New York, NY 10121. Copyright © 2014 by, 2-page

⁵ Пронина В. С. Экономический анализ: перспективы развития // Молодой ученый.-2016. №27. С. 485- 487. URL <https://moluch.ru/archive/131/36374/> (дата обращения: 05.02.2018)

фаолиятини мақсадли ташкил этиш талаб қилинади. Ўтказилган иқтисодий таҳлиллар натижаларига кўра, иқтисодиётга давлат аралашувини қисқартириш айнан бугунги иқтисодиётда самарали ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка катта имкониятлар берилмоқда. Нафакат хўжалик юритувчи субъектлар жамоаси, мулк эгалари, инвесторлар, балки бутун бир давлатлар ва жамоатчилик тизими ҳам бошқарувдаги бундай ўзгариш ва ривожланишдан манфаатдордирлар.

Шунинг учун давлат компаниялари фаолиятини чеклаш ва уларни босқичма-босқич хусусийлаштириб бориш, бозор моделига тезроқ ўтиш билан бир қаторда иқтисодий камбағалликни қисқартириш, ўзини-ўзи банд қилиш орқали молиявий мустақиллик ва иқтисодий фаолликни амалга ошириш имконини беради.

Хусусан, бугунги кунда иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш шароитида замонавий раҳбар самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонларини билиши, ўз фаолият соҳасидаги муаммони ҳал этишга тизимли ёндашиши, танқидий таҳлил, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларига эътибор қартиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш мамлакатимизда таркибий ислоҳотларнинг алоҳида мухим йўналиши сифатида белгилаб олинган ва бу йўналишда бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2016 йил 17 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат улуши устувор бўлган аксиядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2635-сонли қарори асосида бу борадаги ишларнинг биринчи қадами қўйилган.

Ушбу қарорга кўра, оддий аксиялари тўлиқ ҳолда давлатга тегишли бўлган стратегик аҳамиятга эга аксиядорлик жамиятлари сифатида қуидагилар белгиланди: “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Ўзбекенерго” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” АЖ, “Ўзбектелеком” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖ ва “Халқ банки” АТБ.

Бунда “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясини аксиядорлик жамиятларига айлантирилиши белгиланди.

Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрда қабул қилинган “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармони асосида амалий ва салмоқли ишлар бошлаб юборилди. Мурожаатномада таъкидланганидек,⁶ давлат активларини очиқ-ошкора ва самарали сотиш учун халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишлар истиқболда хусусий сектор тараққиётига хизмат қиласди. Бу эса хусусий секторда фойдага интилиш ва манфаатдорликнинг юқорилиги боис, бандлик ва аҳоли даромадларининг ўсиши демакдир.

Мурожаатномада белгиланган давлат улуши бўлган корхоналар сонининг келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилиши вазифасининг амалга оширилиши, аввало, бозор иқтисодиётининг мухим конунияти ҳисобланган рақобатнинг ривожланишига ва монополиянинг чегараланишига хизмат қиласди. Бу борада рақобат мавжуд бўлган соҳаларда фаолият юритаётган “Фарғонаазот” ва “Деҳқонобод калий” заводлари, “Кока-кола ичимлиги”

⁶ Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь кунида Олий Мажлисга қилган Мурожатномаси. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 30 декабрь.

корхонаси, “Белдерсай” ва “Чорвок” оромгоҳлари, “Ичан қалья” ва “Ҳятт Регенкӣ” меҳмонхоналари, “Пойтаҳт” бизнес мажмуаси, алкогол, ёғ-мой каби тармоқлардаги 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилаётганлиги хусусий секторнинг кенг кўламли ривожини таъминлади. Бундай устувор вазифаларнинг ижроси ҳамда натижаларини доимий ўрганиб, баҳолаб боришда иқтисодий таҳлил олдига улкан вазифалар қўйилмоқда.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қабул қиласидаги иқтисодий қарорларда молиявий манбаларни, яъни пул маблағларини кўпайтириш, уларнинг кўпайиш вақтини аниқ ҳисоб-китоб қилиш ва натижага эришишга умид қилишдаги қобилиятини баҳолаш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу масала ечимини таъминлашда иқтисодий таҳлилнинг назарий ва услубий асослари алоҳида аҳамият касб этади. Айнан таҳлил ёрдамида:

- хўжалик юритувчи субъектларда ички ва ташқи таъсир бирликларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятнинг тизимли таҳлилини амалга оширишга;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий ва истиқболдаги кўзланган мақсадларига эришиш юзасидан мавжуд имкониятларини аниқлашга ва ўлчашга;
- хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш даражасининг ўсиши ва унинг ўзгаришларига таъсир этувчи омилларига баҳо беришга;
- хўжалик юритувчи субъектни келгусида янада ривожлантириш, фойдаланилмаётган мавжуд имкониятларини ишга солишининг иқтисодий, молиявий имкониятларини излаб топиш ва амалга оширишга ёрдам беради.

Чунки, айнан иқтисодий таҳлил-бошқарув фаолиятининг сифатини ошириш ва самарадорлигини таъминлаш, бошқарув қарорларини қабул қилишнинг барча босқичларида иштирок этади.

Иқтисодий таҳлилнинг аниқ вазифаларни ҳал этишда юксак профессионаллик, иқтисодий-математик моделлар, ахборот технологиялари, мураккаб аналитик ечимларга таяниш зарур. Чунки, фаолиятнинг самарадорлиги ва натижавийлигини, узвий алоқадорлик ва боғланишларни фақат омилли таҳлил ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлади. Омилли таҳлил иқтисодий математик усуллардан фойдаланишни, аналитик ишлар сифатлигини, таҳлилнинг илмий асосланганлигини, тўлиқлигини ва масаланинг қанчалик батафсил ўрганилганлигини таъминлаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий-математик усуллар иқтисодиётда масалани ечишнинг компьютер алгоритмини шакллантириш ва ундан фойдаланиш имкониятини яратади. Зоро, бугунги иқтисодиётда ахборотларнинг тезлиги, мураккаблиги ва кўплиги иқтисодий таҳлилнинг фақат иқтисодий-математик усулларидан фойдаланиш вақт мезони бўйича, тезлик, аниқлик масаласида, дастурлаш ва натижалар майда бирликларига қадар аниқланиши сабабли самарадорлиги юқори туради.

Иқтисодий математик усуллар иқтисодий таҳлил имкониятларини ошириб, янада кўпроқ турдаги ва мураккаб тавсифдаги масалаларни қисқа муддатда тўғри ҳал қилиш имконини беради.

Тадқиқотлар кўрсатадики, иқтисодий таҳлилда математик усулларни қўллаш корхона фаолиятида қатор ўзига хос шартларни эътиборга олишни талаб қиласиди. Уларнинг асосийлари қўйидагилардир: корхона иқтисодиётини тўлалигича ахборот технологияларига асосланган бўлиши, иқтисодий-математик моделлар тузиш, ахборот манбаларини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш ва таҳлилчилар таркибини (дастурчи-таҳлилчи, ҳисобчи - математик, дастурчи ҳисобчи каби) янгилашни тақазо этади.

Юқорида таъкидланган фикрлардан кўринадики, иқтисодий таҳлил – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида обектив реалликни, жараёнлар, эришилган натижалар юзасидан реал

аналитик хulosаларни тайёрлаш, аник чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишда инсон омилининг ҳам муҳим эканлигини асослайди.

Ўз навбатида иқтисодий таҳлил:

- бошқарув жараёнини такомиллаштиришга;
- бошқарув самарадорлигини оширишга;
- бошқарув сифатини таъминлашга;
- рақобатбардошликни оширишга имкон беради.

Таҳлилнинг рақобатдош иқтисодиётда, доираний кенглиги янада кучаяди. Айниқса, турли иқтисодий инқирозлар ва пандимиялар шароитида уларнинг юзага келишини макро ва микро кўламдаги сабабларини таҳлил қилиш зарурияти янада ортади. Негаки, ҳар битта (иктисодий, молиявий, ташкилий ва ижтимоий) жараёндаги ўзгаришлар сабаб ва оқибат, ички ва ташки омиллар таъсирида ташхисланиши ва якуний хulosалар билан изоҳланиши лозим.

Бугунги кун замонавий иқтисодиёти хўжалик юритувчи субъектлар олдига техник-технологик тараққиётга, илм фанга асосланган иқтисодиётни йўлга қўйишни тақазо этмоқда. Бу холат, бошқарувчилардан самарали фаолият шаклларини йўлга қўйишни, тадбиркорликни фаоллаштиришни, индивидуаллик ва намунавийликни кучайтиришни талаб этади. Бу вазифаларнинг барчасини иқтисодий таҳлилсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу борада аввало бошқарувнинг ўзини ҳам такомиллаштириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш зарур.

Бошқарув тизими такомиллаштирилмас экан, унинг муҳим дастаклари такомиллаштирилмайди. Бугунги кунда бошқарувнинг такомиллашган шакли сифатида унинг корпоратив шаклига ўтиш юзасидан дунё амалиётида янги бир давр бошланганлигини қайд этиш лозим.⁷

Анъанавий бошқарув қарорларини қабул қилиш назарияларида бошқарувнинг комплекс таҳлил концепциясига алоҳида урғу берилади. Бошқарувнинг комплекс таҳлил концепцияси – бошқарув қарорларини қабул қилишда барча жиҳатларни ҳисобга олишни, кўплаб соҳа мутахассисларининг ҳамкорликда ишлашини талаб этади. Мазкур концепцияда қарор қабул қилиш самарадорлигини белгиловчи мезонлар фақат миқдор кўрсаткичлар (Quantitative indicators) билан эмас, балки сифат кўрсаткичлари (qualitative indicators) билан ҳам баҳоланади.

Иқтисодий таҳлилнинг бошқарувдаги роли – бошқарув субъектларига бошқарув объектини (хўжалик жараёнлари ва ҳодисалари, уларнинг самараси ва натижалари юзасидан бошқарувнинг) мақбул ечимларини бериш юзасидан зарурий ахборотлар билан таъминлашдан иборат.

Иқтисодий таҳлилнинг бошқарувдаги ўрни – хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик-тижорат-молия фаолиятининг жорий ҳолатига баҳо бериш ва уни келгусида янада ривожлантириш юзасидан тизимли ечимларни бошқарув субъектларига етказиб беришдан иборат.

Иқтисодий таҳлилнинг бошқарувдаги аҳамиятини – хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий, молиявий аҳволи, унинг келгусидаги кутилишлари, пул маблағлари кирими ва чиқимидағи ижобий фарқланишлар, капитал ҳажмини оширишдаги комплекс ўрганишларнинг зарурийлиги характерлайди.

⁷ Д. Рахимова. Корпоратив бошқарув: Замонавий усул ва ёндашувлар. Халқ сўзи газетаси. 20 Февраль 2016 йил.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь кунида Олий Мажлисга қилган Мурожатномаси.
Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 30 декабрь.
2. М.Й.Рахимов Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.-Т.:Молия-иктисод, 2015.-316 б.
3. Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш. Рисола / Муаллифлар жамоаси: – Тошкент, 2021 й. 48-б.
4. Subramanyam K.R. Financial statement analysis, Eleventh edition. Published by McGraw-Hill Education, 2 Penn Plaza, New York, NY 10121. Copyright 2014 by, 2-page. 2014 бй, 2-паге.
5. В.С.Пронина Экономический анализ: перспективы развития // Молодой ученый.-2016. №27. С. 485-487. УРЛ [хттп://молуч.ру/архиве/131/36374/](http://молуч.ру/архиве/131/36374/) (дата обращения: 05.02.2018).